O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

# YOSHLAR ovozi

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

№ 56 (16361)
10-IYUL, CHORSHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovozi.uz | yoshlarovozi@umail.uz | @Yoshlarovozi

O'rnak ol!

## “Бизнес — ижодкорлик”



**Президент соврини учун ўтказилган “Ташаббус — 2019” кўрик-танловининг республика босқичида Навоий вилоятидаги “EXPORT FISH PRODUCT” МЧЖ раҳбари Обиджон Саидов “Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори” йўналишида 1-ўринга муносиб деб топилди.**

Файласуф Суқротнинг олдига бир одам келиб: “Мукаммал инсон бўлишим учун бой бўлганим афзалми ёхуд камбағалми?”, деб сўрабди. Шунда Суқрот: “Ҳар иккаласининг ўртасидаги тадбиркор бўлганинг яна ҳам афзалроқдир”, деб жавоб берган экан.

Тадбиркорлик азалдан жамиятнинг моддий фаровонлиги, юрт тараққиётининг муҳим омилларидан бири бўлиб келган. Соҳибқирон Амир Темур “Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”, дея таъкидлагани бежиз эмас.

Балиқ етти хазинанинг бири дейишади. Ота-боболаримиз азалдан уни ҳалол ва пок луқма сифатида эътироф этиб келган. Аҳолининг балиқ маҳсулотига эҳтиёжини қондириш, шу орқали оиласининг фаровонлигини таъминлаш истаги ёш тадбиркор Обид Саидовни балиқчилик корхонасини ташкил этишга ундади. Тадбиркорлик оламига эндигина кириб келаётган ҳар бир инсон, аввало, ўз бизнес режасини тузади, уни ҳимоя қилади ва ишончли шериклар топади. Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан бўлмайди, бунда яхши ғоя, тинимсиз ҳаракат ва албатта, атрофдагиларни мақсадига ишонтира олиш қобилияти ўта муҳимдир.

Муваффақиятга осонгина эришиш мумкин эмаслигини англаган тадбиркор айни шу жиҳатлар устида тинимсиз ишлади. Дастлаб у “Хонадонда интенсив балиқ етиштириш” лойиҳаси асосида Кармана туманида ёпиқ кўринишда интенсив балиқчилик комплексини барпо этди. Бу ерда асосан 4 хил турдаги, яъни африка лаққаси, венгер карпи, телапия, сибирь осётр балиғи етиштирила бошланди. Кейинроқ балиқни қайта ишлаш цехида 20 турдаги ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Дудланган балиқ, селёдка ва балиқ котлети, колбаса ва сосискаларини қадоқланган ҳолда эл дастурхонига тортиш тадбиркорнинг ўзига бўлган ишончи, эзгу мақсадга интилишини оширди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз тарихида ўчмас саҳифа очган буюк истиқлол туфайли Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилаб бормоқда.

Бугунги кунда юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган вазифалар – аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, тадбиркорлик ва хусусий мулк ривожига кенг имконият очиб бериш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларимизнинг ижобий натижалари нафақат мамлакатимиз, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Халқимиз учун энг улуғ, энг азиз айём, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги барча ютуқ ва муваффақиятларимизнинг асосий манбаи бўлган Ватанимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигини катта тайёргарлик билан кутиб олиш, бу қутлуғ санани унинг моҳияти ва аҳамиятига, халқимизнинг фидокорона меҳнати, эзгу орзу-интилишларига муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда **“Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!”** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

Ушбу дастурда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, **“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”** давлат дастури, **“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Беш ижобий ташаббус”** каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг маъно-мазмуни ва руҳи мужассам этилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

Айниқса, охирги йилларда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, жамиятимиз қиёфаси бутунлай ўзгаргани, бу ижобий ўзгаришлар юртдошларимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётгани, халқимизнинг турмуш даражасини, онгу тафаккури, билим ва маданиятини ошириш бўйича қилинган ишларни конкрет далил ва мисоллар, чуқур илмий таҳлиллар ва экспертлик баҳолари орқали мамлакатимиз ва халқаро жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

3. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, долзарб мавзулар бўйича фикр алмашувлар, маданий тадбирларни самарали ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

Бу тадбирларни ташкил этишда мамлакатимизни модернизация қилиш, турли соҳа ва тармоқларни либераллаштириш борасида қўлга киритилган ютуқ ва натижалар бу йўлдаги дастлабки қадамлар эканини таъкидлаган ҳолда, баландпарвозлик, расмиятчилик ва юзакилик ҳолатларига йўл қўймасдан, холислик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида иш олиб боришга алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар мамлакатимиз пойтахти, вилоят ва туманларида қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари учун **“Ягонасан, муқаддас Ватан!”** республика танловининг якуний босқичини ўтказсин.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин ва тақдирлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда **“Энг улуғ, энг азиз”, “Ранглар жилосида – она диёр”, “Ватан учун яшайлик!”** каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 8 июль*

Xorijga nazar



## Болага — модуль, олимга — технопарк

**Туркия мактабларида ўқувчиларни фанларга қизиқтириш, дунёқарашини кенгайтириш ва мустақил изланишга ундаш мақсадида махсус модуль жорий қилинган. У бобокалонимиз, дунёга машҳур қомусий аллома Муҳаммад Хоразмий номи билан аталади.**

2-саҳифада

Sening tengdoshing



## Онаси қаршилик қилмади

**Қиз болага санъат соҳаси тўғри келмайди, қабилидаги эътирозларни кўпгина тенгдошларимиз эшитган бўлса, ажаб эмас. Бироқ болалигидан рақсга меҳр қўйган Мақпал Жумабоеванинг онаси қизидаги иштиёқни кўриб, қаршилик қилмади. Аксинча, ўзи уни Нукус шаҳридаги 22-болалар мусиқа ва санъат мактабига олиб борди.**

Рақс тўгарагида Мақпалнинг иқтидори сайқалланди. У волидасининг ишончини оқлашга, муносиб шогирд бўлишга интилди.

— Онам ёшлигида ҳам санъатга, ҳам спортга қизиққан, — дейди тенгдошимиз. — Аммо бувим қиз болага ярашмайди, деб шаштини қайтарган экан. Ҳозир уч опа-сингил — биримиз вокал, биримиз рақс, биримиз югуриш билан шуғулланяпмиз. Ютуқларимизни кўриб, онамнинг боши кўкка етади. Армонлари бир қадар арийди. Касб танловига доир қарорим қатъий — келажакда мен хореограф бўлмоқчиман.

Мақпал Жумабоева Республика Ёшлар марказининг ҳудудий бўлимида Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Зийбаш Пирлепесовадан санъат сирларини ўрганди. У шу муассаса қошидаги “Шуъла” ансамбли рақкосаси. “Камалак” юлдузлари”, “Ўзбекистон — умумий уйимиз”, “Бағрикенг Ўзбекистон” сингари фестивалларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаган.

Жорий йилда ёш рақкоса имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабига қабул қилинди. Мақпал ўқишни тамомлагач, устозидек юксак мартабага эришишни, кўпдан-кўп шогирдлар тарбиялашни орзу қилади. Синглимизнинг барча умидлари рўёбга чиқишига тилакдошмиз.

**Клара ХУДАЙБЕРГЕНОВА**

Achchiqtosh

## Мадаев домлани ҳайдаган куч

*ёхуд биров учун ёнаётган ўқитувчилар*



**Магистратурани тугатишим билан ўзим таҳсил олган факультетга ўқитувчи бўлиб ишга кирдим. Биринчи куни юқори курс талабаларига “Оммавий алоқалар ва реклама фани”дан бор-йўғи 20 дақиқа маъруза ўқиганимни, ҳаяжон босиб, нима дейишни билмасдан уларга жавоб бериб юборганимни яхши эслайман. Ўшанда ўқитувчиликни эплолмас эканман, деб ариза ҳам ёзгандим. Онам раҳматли менга далда бериб: “Яна бир ҳаракат қилиб кўргин, бу сафар ҳам уддалай олмасанг, талабаларнинг вақтини ўғирламай, бошқа ишни танла”, деганди. Кейинги маърузага бир ҳафта тайёргарлик кўрдим, кўнгилдагидай бўлди, шекилли, бироз таскин топдим. Аста-секин ўқитувчиликка меҳрим тушди.**

2-саҳифада

## Tashabbus

**“Ватан — маҳалладан бошланади”, дейди доно халқимиз. Шу маънода, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ҳаракатлар ҳам, аввало, маҳалладан бошланиши зарур.**

# Маҳалламда жиноят бўлмайди!



Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти ўқитувчилари сайёр ўқув машғулотларидан сўнг маҳаллаларда “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак!” мавзуида тарғибот тадбирларини ўтказмоқда.

— Тадбирлар Андижон, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги туман ва шаҳарларда бўлиб ўтмоқда, — дейди институт бошлиғи, юридик фанлар доктори, полковник Нуриддин Норматов. — Мақсадимиз аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак”, деган талабчанлик ва дахлдорлик туйғуларини шакллантиришдан иборат.

Тадбирлар давомида Андижон шаҳридаги Форобий, Асака туманидаги “Чек”, Олтинкўл туманидаги “Марказ”, Сирдарё туманидаги “Пахтакор”, Гулистон шаҳридаги “Тараққиёт”, Мирзаобод туманидаги “Наврўз” маҳаллаларидаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олинди. Ёшларнинг илм-ҳунар эгаллашлари бўйича тушунча берилиб, йўл-йўриқ кўрсатилди.

— 83 ёшдаман, — дейди меҳнат фахрийси Виталий Тимофеев. — Турли соҳаларда меҳнат қилдим. Тақдир тақозоси билан бир ўзим яшайман. Қўни-қўшниларим барака топсин, хабар олиб туради. Бугун ҳам йўқлаб кетишди.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ**
**Малака ошириш институти матбуот хизмати**

## Tanlov



# Уч шарт...

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сирдарё вилояти кенгаши ҳамда Миллий гвардиянинг вилоят бўлинмаси ҳамкорликда ёшлар ўртасида “Жиноят ва жазо” кўрик-танловини ўтказди. “Тақдимот”, “Суд ҳукми”, “Мен орзу қилган келажак” шартлари асосида ташкиллаштирилган танлов иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ёшлар ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, саҳна кўринишлари орқали жиноят ва унинг асоратлари ҳақида йиғилганларга тушунча берди.

Якунда Гулистон тумани 13-умумтаълим мактабининг “Ёш ҳуқуқшунослар” жамоаси ғолиб деб топилди. Совриндорларга фахрий ёрлиқ ҳамда китоблар совға қилинди.

**Анвар ТЎЙЧИЕВ**

# “Бизнес — ижодкорлик”

(Бошланиши 1-саҳифада).

У аҳдида қатъий туриб, ишда давом этаркан, тажриба билан билим уйғунлашгани сайин машаққати енгиллаша бошлаганини ҳис қилди.

Жорий йилнинг илк баҳор кунларида балиқчилик комплекси ҳудудида ишга туширилган “Фаввора” экзотик ресторан-оилавий сайилгоҳи бугун маҳаллий аҳолининг энг севимли масканига айланган. 3,5 миллиард ўз маблағи ва “Ипотека банк”нинг Навоий филиалидан олган 11 миллиард сўм кредит ҳисобига ташкил этилган бу комплексда айни пайтда 100 нафар ишчи-хизматчи фаолият юритмоқда.

Натижалардан руҳланган тадбиркор фаолиятини кенгайтириш мақсадида жорий йил бошида Навоий ва қўшни Самарқанд вилоятидаги 50 дан ортиқ хонадонда кластер усулида ёпиқ кўринишдаги балиқ етиштириш мини комплексини ташкил қилди. Бу 50 хонадон иш билан таъминланди деганидир. Лойиҳа ишга тушиши биланоқ, интенсив ҳовузларда африка лаққа балиғи чавоқлари етиштириш бошланди.

Мазкур лойиҳа Президентимизнинг Навоий вилоятига ташрифи чоғида тақдим этилди ва истиқболли режалар тўғрисида тегишли кўрсатмалар олинди.

— Балиқчилик мураккаб соҳа, — дейди Обид Саидов. — Балиқ нобуд бўлмаслиги учун турли дармондорилар ва махсус ўтни канда қилмаслик керак. Бу эса бойитилган юқори калорияли балиқ емини ишлаб чиқаришни тақозо этмоқда. Шу кунларда Германиядан 650 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилиб, юқори қувватда ем ишлаб чиқариш ускуналарини олиб келиш устида иш олиб бормоқдамиз.

Тадбиркорлик ва омилкорлик иқтисодий юксалишларга йўл очади. Буни ёш тадбиркор мисолида кўриб турибмиз. Ундан муваффақият учун нималар муҳим, дея сўрадик.

— Кўпчилик тадбиркорлик учун биринчи навбатда сармоя зарур, деб ҳисоблайди. Менимча, авваламбор, яхши ғоя керак, — дейди Обид Саидов. — Мен ўзгаларнинг фикрига қулоқ тутиш ва ўзимнинг ғояларимдан-да яхши таклифларни қабул қилишга ҳаракат қиламан. Агар ғоянгизни қалбан ҳис этиб, севсангиз, албатта, муваффақиятга эришасиз. Муваффақиятсизликлардан тушкунликка тушмайман. Мен учун бизнес — қайсидир маънода ижодкорлик, инсонларга яхшилик қилиш имконияти.

Тадбиркорнинг олдида қатор вазифалар турибди. Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 30 миллиард сўмга етказиш, ишчилар сонини яна 100 нафарга ошириш, қайта ишлаб чиқарилган ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар турини кўпайтириб, унинг 40 фоизини МДҲ мамлакатларига экспорт қилиш.

**Рисолат МАДИЕВА**

> **“ КЎПЧИЛИК ТАДБИРКОРЛИК УЧУН БИРИНЧИ НАВБАТДА САРМОЯ ЗАРУР, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ. МЕНИМЧА, ЯХШИ ҒОЯ КЕРАК**




# Болага — модуль, олимга — технопарк

> **“ БИР ОЙДА ИННОВАЦИЯЛАР БИЛАН ТАНИШИШ ИСТАГИДА МАРКАЗГА 25 МИНГ НАФАРГАЧА КИШИ КЕЛАР ЭКАН.**

(Бошланиши 1-саҳифада).

Ал-Хоразмий модулининг ўзига хосликлари, қолаверса, туркларнинг инновацияларга муносабати хусусида қардош юртда хизмат сафари билан бўлиб қайтган Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Давлат ва жамият қурилишига инновацияларни жорий қилиш ҳамда тадқиқ этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Камол Тагаев сўзлаб берди.

— Икки йил аввал Туркиянинг Маориф вазирлиги ёшлар ўртасидаги жиноятчилик билан курашиш мақсадида ал-Хоразмий модулини ишлаб чиққанди, — дейди суҳбатдошимиз. — Ҳозир мазкур тажриба барча мактабларда татбиқ этилмоқда. У болаларни аниқ фанлар ва ижтимоий соҳаларга қизиқтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ал-Хоразмий модули факультатив таълимга кирмайди. Шунга қарамай, унда иштирок этиш ихтиёрий. Болалар устозлари кўмагида замонамизнинг энг долзарб ижтимоий масалалари ёки глобал муаммоларни ўртага ташлаб, орасидан биттасини танлайди. Кейин ҳафта мобайнида шу мавзу обдон ўрганилади ва ечим изланади. Эътиборлиси, ўқитувчи мавзуга турли томондан ва мутлақо индивидуал тарзда ёндашишга ҳақли.

Айтайлик, атроф-муҳит ифлосланиши муаммоси ўрганилмоқда. Кимдир шу ҳақда шеър ёдлайди, бошқа биров хариталар асосида экологиянинг кечаги ва бугунги ҳолатини солиштирма таҳлил қилади. Учинчи одам ўзи каби кўнгилли ёшларни тўплаб, кўчаларни чиқиндилардан тозалаш бўйича акция-марафон ташкил қилиши мумкин. Ҳафтанинг охирида ҳар ким қилган ишининг тақдимотини ўтказади, хулоса ва таклифларини беради.

Мен бир нарсадан ҳайратландим: ал-Хоразмий модулида ёш бўйича чекловлар йўқ.



Болалар топшириқларни бажонидил бажаради. Ушбу жараёнга ота-оналар ҳам фаол жалб қилинган. Фарзанди яхши билим олиши, янгиликларни ўрганишидан улар ниҳоятда манфаатдор. Шу боис эътиборини аямай, биргаликда ишлашга, ёрдам беришга ҳаракат қилади. Ўқитувчилардаги иштиёқни айтмайсизми. Эътиборлиси, бундай машғулотлар педагогнинг ҳафталик дарс юкламасига киритилган. Демак, ортиқча вақт ва энергия сарфлаш талаб қилинмайди. Бежиз эмаски, Туркияда кўпгина педагоглар модуль асосида ишлашга иштиёқманд.

Бундай тажрибани юртимиз мактабларида ҳам қўллаш айни муддао. Сабаби бола қанчалик кўп изланса, билими шунчалик такомиллашади. Қолаверса, ал-Хоразмий модули ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ўстириш, ижтимоий фаоллигини оширишда ёрдам беради, жамиятни қийнаётган турли масалалар ечимига муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

— Истанбулдаги Йилдиз техника университетининг технопаркида ҳам бўлдик, — давом этади мутахассис. — Бу масканда тадқиқотчи ва тадбиркорлар ўртасида узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Тадбиркор ўз муаммоси билан университетга мурожаат қилади. Олимлар унга мақбул ечим, яъни илмий ғоя тақдим этади. Маъқул топилганига маблағ ажратилади ва шу ернинг ўзида лойиҳа такомилига етказилади. Технопаркда бемалол ўтириб ишлашга шароит бор. Хоналар ижарага берилади. Айни вақтда олимлар 200 дан ортиқ (!) илмий ишланмани рўёбга чиқариш билан банд.

Муайян маҳсулот серияли ишлаб чиқарилишдан аввал университетга қарашли констукторлик цехида ясаб кўрилади ва синовдан ўтказилади. Агар тадбиркор кичикроқ корхона қурмоқчи бўлса ҳам муаммо йўқ — технопарк ҳудудидан ер олиши мумкин. Бундай тизим ҳам илм-фан, ҳам бизнес вакилларини инновацион фаолиятга оҳанрабодек тортади. Туркияда мени қойил қолдирган жиҳат шуки, олимлар инвесторларни эмас, аксинча, тадбиркорлар новаторларни излаб юради, уларга ишонади ва меҳнатини қадрлайди.

Йилдиз техника университетининг технопарки ташқаридан келувчи тадқиқотчилар учун ҳам очиқ. Истанбулда 50 га яқин олий ўқув юрти жойлашган. Деярли барчасида инновация марказлари фаолият кўрсатади. Шаҳар миқёсида ташкил қилинганлари ҳам бор. Улар давлат ҳисобидан молиялаштирилади. Масалан, Хўжаэли шаҳридаги инновация марказининг йиллик бюджети 300 минг АҚШ долларига тенг. Муассаса 4 минг 500 квадрат метр ҳудудни эгаллаган. Бу ерда илм-фаннинг турли соҳалари, шу жумладан, ислом дунёсидаги буюк алломалар фаолиятига бағишланган 280 дан ортиқ кўргазмали бурчак, қолаверса, замонавий лабораториялар, робототехника хоналари, тил ўқитиш маркази, кутубхона, анжуманлар зали мавжуд. Мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари, талабалар учун мунтазам равишда экскурсиялар ташкил қилинади. Бир ойда инновациялар билан танишиш истагида марказга 25 минг нафаргача киши келар экан. Талабгорлар кўплигидан олдиндан онлайн рўйхатдан ўтиш керак.

Инновация марказлари Туркиянинг 40 дан ортиқ ҳудудида фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий миссияси аҳоли, айниқса, ёшларга инновация нималигини англатишдан иборат. Болалар бундай масканларга келиб физика, математика каби фанлар қанчалик қизиқарли ва керакли эканини тушуниб етади, илмий салоҳиятини юксалтиради. Хўжаэлида баъзи мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашдим. Уларнинг фикрлари теран, нимани хоҳлашини аниқ айта олади. Орасида олим бўлишни истаётганлари талайгина.

Фикримча, инновация марказларини бизда ҳам кўпайтириш зарур. Юртимизда инновацион экотизимни шакллантириш, ёшларни стартап лойиҳалар яратишга ундаш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Хусусан, вазирлигимиз назорати остида давлат-хусусий шериклик асосида ҳудудларда инновация марказлари ташкил қилиняпти. Лекин бу кам. Инновация марказлари, технопарклар университетлар қошида ҳам очилгани маъқул. Шунда ихтисослашув пайдо бўлади. Олим у ёки бу ишланмаси билан қаерга бориш ва кимга мурожаат қилиш кераклигини аниқ билади.

**Наргиза УМАРОВА тайёрлади.**

# Мадаев домлани ҳайдаган куч

## *ёхуд биров учун ёнаётган ўқитувчилар*

(Бошланиши 1-саҳифада).

> **“ ЎҚИТУВЧИНИНГ ҲАЁТИ ШАМГА ЎХШАЙДИ. БИРОВ УЧУН ЁНАВЕРАСАН, ЁРУҒЛИК ТАРАТАВЕРАСАН.**

Баъзан ёшлик шижоати орзулар уммонига шундай улоқтирадики, гўё сени бошқа юртда олам-олам шодликлар кутиб тургандек. Орада икки йил мусофирчиликни ҳам кўрдим. Олисда юрганимда қадрдон бўлиб кетган талабаларни, кафедрани, аудиторияни кўп соғинганман.

Ўқитувчилик инсондан бағрикенгликни, улкан сабрни, тўғриликни ва албатта, ўзгаларга беминнат ёрдам бериш иштиёқини талаб этади. Инсон катта меҳнат ва чуқур билим эвазига яхши тадқиқотчи, олим бўлиши мумкин. Лекин яхши шогирд етиштириш ёки илмий мактаб яратиш бошқа масала. Ўқитувчининг ҳаёти шамга ўхшайди. Биров учун ёнаверасан, ёруғлик таратаверасан.

Биласизми, мен ўзимни энг омадли инсонлардан бири, деб ҳисоблайман. Негаки, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Омонулла Мадаев ва Раҳматулла Иноғомов каби устозларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлганман. Бу инсонларнинг қомуси адолат ва ҳақиқат эди.

Отам менга бир тарихий фактни кўп такрорларди. Буюк шоиримиз Абдулла Орипов “Тилла баликча” шеъри учун таъқибга учраганда, устоз Озод ака Шарафиддинов: “Абдулла, агар шу шеърing учун сени қамаса, мен сен билан бирга бир камерада ўтираман”, деган экан. Устознинг адолат йўлида, шогирди учун ўзини қурбон қилиши ҳақиқатан ҳам жасорат.

Шу ўринда яна бир воқеани эсламоқчиман. Адашмасам, тўрт йил олдин эди. Раҳматли устозим Омонулла Мадаев бизнинг факультетга маъруза ўқишга келиб турарди. Устозни ҳар бир талаба диққат билан тингларди. Домла тингловчини шундай сеҳрлар эдики, улар бутун вужуди билан ўзбек фольклорининг ичида яшарди. Факультетда домла билан тез-тез гурунглашиб турардик.

Янги ўқув йили бошланганда Омонулла акани факультетимиздан топа олмадим. Кейин билсам, домла нафақага чиқибдилар. Тўғрисини айтсам, бу хабарни эшитиб, ҳайрон қолгандим. Негаки, домла талабаларни севарди. Аудиторияга кирганида қайнаб дарс ўтарди. Бир тадбирда домла билан кўришиб қолганимда: “Ҳали дадилсиз, талабалар ва ёш домлаларга сизнинг маърузаларингиз ва педагогик маҳоратингиз керак-ку?”, дедим. У пешанасини тириштириб: “Сенга ва домлаларга уйимнинг эшиги ҳамиша очиқ, келсанг, бир пиёла чой устида ҳаммасини ҳал қиламиз. Аудиторияга келсак, энди набирам тенги болалар билан айтишиб юриш менга тўғри келмайди”, деб гапни қисқа қилди. Кейин билсам, талабалар домла билан баҳо талашиб, уни қаттиқ ранжитган экан.

Бундай ҳоллар йилдан-йилга камайиш ўрнига кўпайиб бораётгани ачинарли. Профессор даражасига етишнинг ўзи бўлмайди. Тўғри, популист, демагог, талабанинг вақтини ўғирлашдан қайтмайдиган домлалар бисёр. Лекин Мадаев домла ҳақиқий олим, керак бўлса, адолат йўлида раҳбарларнинг гапига кирмайдиганлар хилидан эди. Ҳар қандай чет эл олий ўқув юртларида ҳам маъруза ўқишга салоҳияти етарди.

Инсон умрини илмга, ёшларга фидо қилса, ёрдамини, маслаҳатини ҳеч кимдан аямай, алал оқибат шогирдларидан раҳмат ўрнига надомат эшитса... Бунга гувоҳ бўлиш нарида турсин, эшитишнинг ўзи ачинарли. Тўғрисини айтсам, ўзим шоҳиди бўлмаганим учун бу каби гапларга ишонгим келмасди. Аммо куни кеча...

Бутун семестр давомида талаба домлага савол беради. Улар биргаликда изланади, ишлайди. Баъзида ўқитувчини шоширib қўядиган саволлар ёғдиради. Албатта, бу мен учун ёқимли. Негаки, жиддий саволлар домлани изланишга, ўз устида излашга чорлайди. Аммо бакалавр талабалари билан 2-семестрдаги дарс жараёни муаммоли бошланди. Маъруза ва амалиёт вақтида тарбиявий соат ўтишга мажбур бўлдим. Ҳатто факультет декани ва кафедра мудирига ёрдам сўраб мурожаат қиладиган ҳолатлар ҳам бўлди. Салкам ўн йиллик тажрибамда бу каби вазият бўлмаган эди. Ўтган йиллар ичида шошқалоқ, қизиққон, эътиборсиз, гапирмаса туролмайдиган талабаларни кўп учратдим. Лекин бетгачопарини ҳали кўрмаган эдим.

Дарсим биринчи соатга қўйилган. Бир куни талабалардан бири дарсга қатнашмади. Иккинчи соатда ҳалиги талаба факультетга келаётган экан. Уни тўхтатиб, нега дарсга келмаганини сўрадим. Талаба андишани четга суриб: “Сизнинг дарсингиз биринчи соатда эди. Дарсингиз тугаганига анча бўлган, шунинг учун қандай саволларингиз бўлса, дарс вақтида бемалол сўрайверинг, аммо ҳозир дарсда эмасмиз”, деб йўлида давом этди. Қисқа жавобдан мен ва ёнимдаги икки ҳамкасбим лол қолдик.

Сессия эса “трагедик” кўринишда бўлди. Илтимосларга-ку ўрганиб қолганман, қайсарлигим учун аксарият “илтимосчи”лар мени безовта ҳам қилмай қўйган. Аммо талабаларнинг важ ва баҳоналарини қаранг: бир талабанинг чакаги шамоллагани учун шифокор китоб ва мониторга қарашни ман этибди. Аммо бу тақиққа оид маълумотномаси йўқ. Яна бир гуруҳ талабалар магистратура ёки ўқишини Кореяда давом эттириши учун бали 80 дан кам бўлмаслиги керак эмиш. Кимдир кўкрак нишонига, яна кимдир Ёшлар иттифоқида қандайдир лавозимга ўтиши учун аъло баҳо қўйишим керак экан! Қолганлари стипендиясиз яшай олмаслигини маълум қилди. Бундай муаммоли талабалар илгари ҳам бўларди. Фақат 10-15 фоиздан ошмас, бунинг устига мен қошларимни чимириб: “Йўқ!”, десам мавзуга нуқта қўйиларди. Бу гал ундай бўлмади. Қизиқ томони шундаки, 5 нафар талаба қиз қўйган якуний баҳоимни ўзича ўзгартирибди. Табиийки, бу беш талабанинг тўплаган балларини бекор қилиб, уларни кузда қайта имтиҳон топшириш учун қолдиришга қарор қилдим. Натижада айримлари хатосидан пушаймонлигини айтиб, кечирим сўради. Асаблар таранглашганиданми ёки олдин бундай ҳодисанинг гувоҳи бўлмаганимданми, илк бор талаба қизга аудиторияни тарк этишни талаб қилиб, овозимни баланд кўтаришга мажбур бўлдим. Талаба қизнинг важоҳатини кўриб, тўғрисини айтаман, кўнглимда ташвиш уйғонди. Баҳо учун ўзига бир нарса қилиб қўймасин, деб хоҳлаган баҳосини қўйишга мажбур бўлдим.

Ҳамма талабаларни йиғиб, рейтинг қайдномасига ўзи хоҳлаган баҳони қўйишини, мен эса тасдиқлаб беришга сўз бердим. Ишонасизми, аксарият талаба тап тортмай ўзини ўзи баҳолади. Очиғини айтсам, бу ҳолдан хафсалам пир бўлди. Кўнглим тубида ҳали ишонч бор эди. Наҳотки, ёшларимизнинг аксариятида худбинлик шунчалик кучли, уларда андиша, ҳалоллик, виждон йўқ бўлса?! Баҳо — ўқиш давомида олган билимларини домлага кўрсата олгани учун талабага бериладиган нисбий кўрсаткич-ку! Ўз манфаатини биринчи ўринга қўядиган, мақсадига етиш учун ҳеч нарсадан тоймайдиган бу талабалардан келажакда нимани кутса бўлади? Кўнглимда ғашлик пайдо бўлди. Ва Мадаев домлани олий ўқув юртидан ҳайдаган кучни ҳис этдим...

**Шохруҳ ҚОСИМОВ**

## Jinoyat haqiqati va adolati



# Лоқайдликнинг бадали

**Қоракўлда ёшлар ўртасидаги безорилик қотиллик билан якун топди...**

Қоракўллик 1991 йилда туғилган Асрор Искандаров ҳамда 1997 йилда туғилган Ботир Жумаев Навоий шаҳридан меҳмон бўлиб келган Моҳир Толибов ва унинг қоракўллик дўсти Азизбек Баҳодиров билан кафеда тамадди қилди. “Шайтон суви”дан ичишгач, орадан самимийлик кўтарилиб, арзимас сабаб билан жанжал чиқди. Ёшлар бири-бирини ҳақорат қилиб, дўппослашгача борди. Эртаси куни жанжалга қоракўллик Озод Музаффаров, Шавкат Раҳимов ва Улуғбек Аҳмедов каби ёшлар ҳам аралашди.

Иккинчи куни кеч тушгач ҳам ўз ҳовуридан тушмаган Моҳир Толибов, Азизбек Баҳодиров, Озод Музаффаров, Шавкат Раҳимов ҳамда Улуғбек Аҳмедов орани очиқ қилиш учун Асрор Искандаровнинг хонадонига келди. Асрор ҳам улар билан дарвоза олдида яна дўппослашиб, жанжал кўтарди. Можаро вақтида Асрор уйидан мол сўйишга мўлжалланган ўткир тиғли пичоқни олиб чиқди. Шу пайт қаршисидан чиққан Улуғбекка тиғни ўқталиб, беихтиёр унинг чап кўксига санчади. Оқибатда ёш йигитнинг умрига зомин бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Қоракўл туман суди томонидан Асрор Искандаров Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми ҳамда Жиноят Кодексининг 277-моддаси билан айбдор деб топилди. Унга нисбатан узил-кесил 10 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Б.Жумаев, М.Толибов, А.Баҳодиров, О.Музаффаров ҳамда Ш.Раҳимовга Жиноят Кодексининг 277-моддаси билан тегишли жазо тайинланди. Уларнинг ҳар бири 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига ҳукм этилди.

Афсус... Агар маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар ҳамманинг кўз олдида икки кун давом этган тартибсизликка ўз вақтида барҳам берганида қотиллик содир бўлмасмиди, балки...

**Лайло ҲАЙИТОВА**

# Барча имкониятлар ЁШЛАР УЧУН

**Олий ўқув юрти ёшларнинг шахс сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИДА**

**таълим сифатини ошириш, илғор ғоя ва ташаббусларни амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Низомий номидаги ТДПУнинг ўқув-услубий кўмаги, тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг замонавий талаблар асосида илмий-тадқиқотлар олиб бориш, ўқув адабиётлари билан таъминлаш, долзарб мавзуларда дарс ва семинарлар ташкил этиш бўйича рағбати муҳим аҳамият касб этаётир.**





Айни кунда филиалимизда 57 нафар профессор-ўқитувчи, жумладан, 3 нафар фан доктори ва профессор, 17 нафар фан номзоди ва доцент фаолият юритмоқда. Талабалар "Мактабгача таълим", "Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш", "Математика ўқитиш методикаси", "Информатика ўқитиш методикаси", "Рус тили ва адабиёти" (ўзга тилли гуруҳлар), "Педагогика ва психология" таълим йўналишларида таҳсил олмоқда.

Профессор-ўқитувчиларда ўзига, ўтаётган машғулотига ва талабаларга талабчанлик билан ёндашиш туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда "Педагогика фанининг қадимдан ривожланиб келган ютуқлари ва илғор хорижий тажрибалар: инновацион ва технологик ғоялар" мавзусида профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ҳамда талабаларнинг илмий-амалий анжуманини ўтказишни йўлга қўйдик.

Кафедралар фаолиятини янада такомиллаштириш, профессор-ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, "Устоз-шогирд" тизимини такомиллаштириш учун **"ТДПУ Термиз филиали: натижа, жараён ва истиқбол"** мавзусида инновацион лойиҳалар намойишини ҳам ҳар йили ўтказишга келишиб олдик.

Шунингдек, профессор-ўқитувчилар ўртасида **"Оммалаштириладиган намунавий очиқ дарс", "Инновацион ғоялар лабораторияси", "Энг сифатли ўқув-услубий ва илмий натижа"** кўрик-танловларини ташкил этиш белгиланди. Кафедралар аъзолари бу танловларда қатнашиш учун изланишлар олиб бормоқда.

Профессор-ўқитувчилар илмий салоҳияти олий ўқув юртлари сифат кўрсаткичларининг асосий индикаторларидан бири сифатида қабул қилинган. Шунинг учун илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар базасини такомиллаштириш доимий эътиборимизда. Фанлар академияси билан ҳамкорликда ёш ўқитувчилар ва талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш мақсадида педагогика фанлари доктори, профессор, академик Р.Жўраев ҳамда педагогика фанлари доктори, профессор Р.Сафарова билан доимий илмий семинарлар ташкил қилинмоқда. М.Қосимова, Н.Эгамқулова, З.Назарова, Ҳ.Базорова, Р.Омонов, Т.Эшмўминова, Ф.Ҳасанов, Т.Авлиёқулов, Э.Қурбонмурадов, З.Шофиев, З.Бозорова сингари эркин тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида жамоа профессор-ўқитувчиларидан Ш.Қосимов (PhD) ва Г.Эрназарова (DSc) докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Техника фанлари номзоди, доцент У.Абдиев, илмий изланувчилар Г.Мирсобирова, Н.Панжиева ва А.Қиёмов ҳам илмий ишларини ҳимоя қилиш арафасида турибди.

2018-2019 ўқув йилида профессор-ўқитувчиларимиз 5 та инновацион лойиҳа тайёрлади. Шундан 2 та ўқув-методик ишланма чоп этилди, 3 та дастурий маҳсулотга патент гувоҳномалари олинди.

> **2018-2019 ўқув йилида профессор-ўқитувчиларимиз 5 та инновацион лойиҳа тайёрлади. Шундан 2 та ўқув-методик ишланма чоп этилди, 3 та дастурий маҳсулотга патент гувоҳномалари олинди.**

## Таълим стратегияси

**Талабалар бакалаврлик даражасини олиши учун ўқитиладиган барча фанлар, малакавий амалиёт, мустақил иш, давлат аттестациялари ва курс ишлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шу каби талабларни қамраб олган "Таълим олиш стратегияси" номли тарқатма материал тайёрланди ва гуруҳларда тақдимоти ўтказилди.**

Талаба қанча соатда нечта фан ўқийди, билим, кўникма, малакалар мавжудлиги ва кетма-кетлиги, қайси таълим йўналишида қанча соат ўқилганда нима бўлади, қачон қандай тартибда назорат ишлари бўлади? Шу саволларга жавоб изладик. "Таълим олиш стратегияси"ни янада такомиллаштириш ва ундан унумли фойдаланиш жараёнининг сифатини ошириш ниятида илмий изланиш ва кузатувлар олиб бормоқдамиз.

Талабаларимиз ташаббуси билан "Инновацион бошланғич таълим" ва "Инновацион мактабгача таълим" лабораториялари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ташкилий ҳамда амалий ишлар бошлаб юборилган. **"ИЛК ВА ИШОНЧЛИ ҚАДАМ" ҲАМДА "МАҚСАДЛИ ҚАДАМ" НОМЛИ ИЛМИЙ ТЎГАРАКЛАР ЭСА АЛЛАҚАЧОН ИШ БОШЛАДИ.**

Бу каби интилишларимиз натижасида филиалда шаффоф баҳолаш тизимини шакллантиришга, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги манфаатли муносабат фақат юқори малакали кадрлар тайёрлашдан иборат эканини ўқитувчилар онгига сингдиришга интиляпмиз. Ҳар бир профессор-ўқитувчи талабалар келажак бунёдкори эканини англаган ҳолда ўз устида тинмай ишламоқда. Бунинг самараси илмий изланишлар мазмуни ва дарс машғулотлари сифати ошаётганида кўринмоқда.

## Талабалар ташаббуси

**Президентимизнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси ижроси ҳам талабалар ўртасида ўта масъулият ва жуда қизиқиш билан бажарилмоқда. Хусусан, 1-ташаббус бўйича талабаларимиз "Тафаккур синовлари" республика танловида иштирок этди. Талабалар ўртасида "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танлови, "Жануб зукколари", "Ягонасан, муқаддас Ватан" каби танловлар ўтказилди.**



Шу билан бирга, муассасамизда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси кўмагида "Ёш ижодкорлар" клубини очдик. Клубга филология фанлари номзоди, доцент, таниқли шоир Болта Ёриев раҳбарлик қилмоқда. Яқинда вилоят Матбуот уйида ўтказилган "Сурхон ижодкорлари" тадбирида ҳам клуб аъзолари фаол иштирок этиб, фахрий ёрлиқ ва китоблар билан тақдирланди. Клуб аъзоси, бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш факультетининг II босқич талабаси Холмурод Норқуловнинг "Дил дафтари" номли илк китоби ўқувчилар қўлига етиб борди. Клуб аъзоси Сирожиддин Чориев Қарши шаҳрида ўтказилган "Ёш ижодкорлар" ўқув-семинарининг ҳудудий босқичида муносиб иштирок этди.

Ўқув даргоҳимизда бадантарбия машғулотлари ўзгача иштиёқ билан ташкил этилмоқда. Доно халқимиз "Соғ танда — соғлом ақл", деб бежиз айтмаган. Спорт билан шуғулланган инсон, албатта, соғлом ва ғайратли бўлишини барча ходимлар англаб етган. Дарҳақиқат,

**2-ташаббус** бўйича ёшларни жисмоний чиниқтириш, спорт соҳасидаги қобилиятини намоён этиши учун бир нечта тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Рус тили ва адабиёти йўналиши талабалари ўртасида "Қувноқ стартлар" спорт мусобақаси уюштирилди.**

Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйида учрашув ўтказдик. Тарбияланувчилар иштирокида шашка, шахмат, волейбол, баскетбол, футбол мусобақалари ўтказилди.

**3-ташаббус** — ёшларнинг компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишини ташкил этиш бўйича ҳам ишлар қизғин боряпти.

**Информатика ўқитувчилари фан бўйича гуруҳлар ўртасида "Заковат" ўйинини ташкил этди.**

Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш факультети талабалари **4-ташаббус** — ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича "Саёҳатчи китоб" танловини ўтказди. Бунда талаба эмас, китоб "саёҳат" қилади.

**Талабаларнинг ҳар бири биттадан тарихий ва замонавий, детектив, фантастик мавзулардаги китобларни олиб келади. Келтирган китобини талабанинг ўзи, албатта, ўқиган бўлиши керак. Ёшлар ўзаро китоб алмашиб, китобини "саёҳатга" жўнатади.**

Муҳим ташаббусларнинг охиргиси бўлган

**хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласида ҳам жамоамизда амалий ишлар бошланган.**

Мактабгача таълим йўналиши талабаларидан М.Қурбонова ва Н.Абдураҳмонова дарсдан бўш вақтида Термиз шаҳридаги 11-мактабгача таълим муассасасида компьютер технологияларидан илк тушунча берувчи ва тикувчи сифатида фаолият олиб бормоқда.

Муассасамизда

**интернет тизими ва тезлигини ошириш мақсадида сервер қурилмаси ўрнатилди, локаль ва корпоратив компьютер тармоқлари, электрон ҳужжат айланиш тизими шакллантирилди.**

Бугунги кунда электрон ички ҳужжат алмашиш тизими ва электрон журнал, иш юритиш, бошқарув ва назорат қилишнинг замонавий усулларига ўтишни таъминлайдиган компьютер дастурлари жорий этилди. АРМда профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун Wi-Fi зонаси ташкил этилган. Натижада турли тадбир ва якуний назорат ишларини тўлиқ онлайн тартибда ташкил этиш имкониятлари яратилди.



## Халқаро ҳамкорлик

**Маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий "Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур", деб барчани илму фанни ўрганишга даъват этган. Шу боис мустаҳкам халқаро алоқаларни йўлга қўйиш учун тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда.**

Жумладан, Россия олий таълим муассасаларидан Москва шаҳар педагогика институти, Волгоград давлат ижтимоий-педагогика университети, Новосибирск давлат педагогика университетлари билан ҳамкорлик ўрнатилди. Новосибирск давлат педагогика университети олимлари томонидан онлайн тарзда ўқув ва амалий машғулотлар олиб бориляпти.

Айни пайтда Хитой давлатининг Марказий Хитой Фан технологиялари университети билан ҳамкорлик шартномаларини имзолаш бўйича музокаралар ўтказяпмиз. Мазкур университетнинг 3-босқич докторанти, ватандошимиз А.Рўзиқулов билан келгусидаги режаларни белгилаб оляпмиз.

**Қисқа қилиб айтганда, Низомий номидаги ТДПУ Термиз филиали профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшларининг барча саъй-ҳаракатлари битта мақсадга — таълим жараёнини замонга мос равишда такомиллаштиришга қаратилган.**

**Қаюм БОЙМИРОВ**

San'atimiz fidoyilari

# Ҳар бир касбнинг залвори, рағбати бор



**Альпинистлар табиатнинг турли тўсиқларини бардош билан енгиб, мукофотига улкан тоғ чўққисини забт этиш нашидасини татиб кўради.**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори Йўлдош Аъзамни кино санъатининг моҳир альпинистларидан десак, адашмаймиз.**

1909 йил 10 май куни Тошкент шаҳрида туғилган чақалоққа яхши ният билан Йўлдош, деб исм қўйилди. У болаликдан санъатга ошуфта бўлиб улғайди. 1930 – 1936 йилларда "Совкино" ва "Востоккинофильм" студияларида роль ўйнади.

Ю.Райзманнинг "Ер чанқоғи", Наби Ғаниевнинг "Юксалиш" фильмлари Йўлдош Аъзамни маҳоратли актёр сифатида кашф этди. Кейинчалик таниқли актёр ўзини режиссёрлик соҳасида ҳам синаб кўрди.

Унинг режиссёрлигида 1956 йили "Гулбаҳор", 1958 йили "Мафтунингман", 1959 йили "Фурқат", 1961 йили "Истиқбол йўли", 1965 йили "Ойдин саҳифа", 1969 йили "Ўткан кунлар" каби фильмлар яратилди.

Эътиборлиси, Йўлдош Аъзам ижодида ўзбек халқининг тарихий ва замонавий ҳаёти саҳифаларини миллий руҳда кўрсатишга интилиш кўпроқ сезилади. Актёрлар билан образлар устида чуқур ишлаш, барча ҳаракатларни қаҳрамон характери ва ички дунёсини очиб беришга қаратиш режиссёр ижодига хос. Шунинг учун ҳам ижодкор бошчилигида суратга олинган фильмлар ҳалигача эътиборда. Далил ўрнида қаҳрамонимизнинг "Мафтунингман" фильмига тўхталиб ўтсак.

Режиссёр фильмга ўзгача иштиёқ билан қўл уради. Актёрларни танлашга синчковлик ва қаттиққўллик билан ёндашади. Бош ролларда бирини ижро этган Клара Жалилова фильмга қандай кириб келганини қуйидагича хотирлайди:

— Олдинига режиссёр "бу қизнинг фақат овозини оламан, ўзи тўғри келмайди, бўйи паст", деб синовдан қайтариб юборган. Икки ой давомида бош қаҳрамонга лойиқ актриса изланди. Топилмагач, бу роль ўзимга насиб этди.

> **Йўлдош Аъзамнинг баъзан даккиси, баъзан ижодкор сифатида берган маслаҳати актёр ва актрисаларга том маънода мактаб вазифасини ўтади.**

Фильмни хотирлашни давом эттирар эканмиз, яна бир қаҳрамон — хоразмлик тракторчи ҳамда унинг севги тарихидаги рақиби, фарғоналик шофёр ҳам суратга олиш жараёнида турли қийинчиликларга дуч келганини эслаш қизиқ. Хоразмлик Шариф умрида трактор минмаган экан. Шунинг учун суратга олиш жараёнида тормоз ўрнига газни босиб, жамоанинг ҳаётини хавф остида қолдириш каби ҳолатлар ҳам юз берган. Фарғоналик шофёр эса партнёри билан рақсга туша олмагани ва ҳамроҳининг оёғини босиб олгани учун "айиқ полвон" деган лақаб олган эди. Аслида бу саҳна кастинг учун тайёрланган бўлган.

Бундай вазиятлар юзага чиққанида фильм яратувчиси Йўлдош Аъзамнинг баъзан даккиси, баъзан ижодкор сифатида берган маслаҳати актёр ва актрисаларга том маънода мактаб вазифасини ўтади. Аслида "Мафтунингман" фильмини миллийликка суғорилган ижод маҳсули десак, тўғри бўлади.

Йўлдош Аъзамнинг энг катта ютуғи фильмнинг биринчи ўзбек комедияси сифатида яратилганида эди. "Мафтунингман" фильми турли қўшиқлар, кутилмаган воқеалар тасвири ва кастинг жараёнлари билан эсда қолган.

Ҳозиргача "Сартарош", "Дўппи тикдим", "Мафтун бўлдим" қўшиқлари халқимиз қалбидан жой олиб келади. Бу Йўлдош Аъзамнинг ўзбек кино санъати "альпинисти" эканининг далилидир.

**Ситора ПЎЛАТОВА,**
**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси.**
**ЎзА**

Taassurot

# Iboli, ishorali, ma'nili nazm

**Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev 2017-yil 3-avgustda ijodkor ziyolilar bilan o'tkazgan uchrashuvda O'zbekiston xalq shoiri Halima Xudoyberdiyeva yosh iste'dodlar haqida gapirib, Gulnoz Mo'minova, Guljamol Asqarova, Nodir Jonuzoq nomlarini alohida tilga olganini yaxshi eslayman. Gulnozning yaqinda nashrdan chiqqan to'plami — "Kometa" mashhur shoira yozib qoldirgan "Taqdim" so'zboshisi bilan boshlangani tabiiy, ham mantiqiy. Iliq, samimiy boshso'zda ardoqli shoira Gulnozning ko'ngilni to'lqinlantirib yuboradigan, nay nolalariday nazmlari tobora tiniqlik, ravonlik, jarangdorlik kasb etayotgani, dil torlari yanayam ingichka tortib, taranglashib borayotganini alohida ta'kidlab:**

*Kulib o'tolmadim – g'amdan uyaldim,*
*Kuydim deyolmadim – shamdan uyaldim.*
*Garchi dardmand edim, faryod etmadim,*
*Sen-la xushbaxt o'tgan damdan uyaldim,*

**to'rtligini misol qilib keltirgan edi.**



Gulnoz she'riyati — sirli-sehrli, ramzli-ishorali, qolaversa, ma'noli-mag'izli. 266 katta-kichik nazmdan iborat to'plam "So'z emas, ishora kutaman sendan" she'ri bilan xotimalangani bejiz emas. Lirik qahramon loqayd oshiqdan, no'noq shoirdan ikki ko'z ishorasini, so'nmas yulduz, yorug' kunduz, eriy boshlagan muz ishorasini kutadi, ishoralarni tan olmaydigan, lug'atida faqat sarg'aygan, hamma biladigan — keng tarqalgan, tillar qamchisida savalgan, qavargan so'zlari ustidan yengil istehzo qiladi. So'zamollik har doim ham sevgi bilan kelisha olmasligini bildirar ekan, xo'rsiniqlar, ko'zyoshlar, voz kechishlar, isyonlar tilida so'zlashib turishni, chin sevgi, ayniqsa, isyonni xush ko'rishini "Atvor" nomli kichik she'rida ifodalagan.

Radiodagi bir suhbatda Gulnozdan, ko'pincha sirli, ishorali qilib yozishingiz boisi nimada deb so'ralganda, hayo, ibo, ramz, timsollar sharq she'riyatiga xos xususiyat, Nodira, Uvaysiy, keyinchalik Zulfiya, Saida ayalar pardali, sehrli qilib yozishni xush ko'rgan, fikrni ro'y-rost, yalang'och aytgandan ko'ra libosga o'rab berish, o'quvchini hamkorlikka chorlash ta'sirchanroq, degan va "Ul ne gumbaz eshigi, tuynugidin yo'q nishon" deya boshlanuvchi mashhur "Anor" chistonini misol keltirgandi... Mana, "Hafta" nomli qisqa beshligi:

*Hafta – asli olti boshli dev,*
*Har kun bitta boshi kesilar,*
*Lekin bag'ri keng Yakshanba*
*Uni yana etadi afv –*
*Boshlar o'sib chiqar qaytadan.*

Mana bu tagdor misralarga esa jiddiy ma'no yuklatilgan:

*Qish – deputat, men sizga aytsam,*
*Eslang, qor juda ko'p edi*
*Uning dasturida.*
*U esa bajara olmadi*
*Va'dasining o'ndan birini.*

Gulnoz nazmlarida lafziy va ma'noviy san'atlardan samarali foydalanishga, ulardan ibratli xulosa, hikmat chiqarishga intiladi: "*Saraton — ulkan tandir, Quyosh — olov rapida*"; "*Kunduz — mening takabbur do'stim, Oqshom — mening horg'in dugonam*"; "*Sen — cho'qqisan, Men esa vulqon. Sobit bo'lsang otilmam balki*"; "*Hovuz — pahlavonning hovuchi*"...

Shoira "Samarqand — Kitob" yo'lidan o'tar ekan, ikki tarafdagi turfa toshlarga sinchkov nazar tashlaydi, oppoq toshda Ulug'bek bo'yniga qilich tushganda uchib ketgan dastorni, qator toshlar Ali Qushchini Rumga kuzatgan shogirdlarini, qoyatosh Nuh kemasiga sig'may qolgan jonzotni eslatadi. Gulnoz nazdida, osmondagi bulutlarning biri ulkan toshbaqa, biri yunusbaliq, dengiz otlari, o'tlarini, meduzani eslatadiganlari ham bor.

Shoira faqat pardali, sirli, ishorali misralar tizarkan, degan fikrga bormaslik kerak, albatta. To'plamni boshlab bergan "Zaminga xitob", "Zorro niqobi", shuningdek, "Alam", "Kelajak bolasi" she'rlari zamonaviy ong, sayyoraviy tafakkur ufqidan turib yozilgan baquvvat, yetuk badiiy-publitsistik yaratiqlardir. Muallif qiyos qilish, zid qo'yish, xarakterli detallar, ehtirosli misralar orqali bugungi zaminning yarmi qorong'i, titroq, yarmi ziyo, sokin manzarasini chizib beradi. Chizgilar ko'paygan sari zamin holati haqidagi tasavvur boyib boradi: yarmida kiborlar xoldor ko'ppaklarini sokin yetaklab yuradi, yarmida chillashir, rangpar go'daklar oyoqlarini zo'rg'a bosadi; yarmi ostonasi yorug', yarmi nurga intiq, yarmi talanguvchi, yarmi talaguvchi:

*Yarmingda xotinlar xo'rlanib, murg'ak*
*Go'daklar ochlikdan o'lib yotodur.*
*Yarmingda yig'ilmas ochildasturxon*
*Uvol-u sarqitga to'lib yotodur.*

Yarmi qurtlagan olmaga o'xshatilgan Zamin chizgilari o'quvchini befarq qoldirmaydi.

Keyingi she'rda mazlum el istagi bajo bo'lsin deb yelkaga xaloskorlik yukini ortgan, yuziga niqob tortgan botirlar — fidoyi zorrolar madh etilsa, bugun "Men Zorro!" deya qichqirguvchilar ko'payib ketgani, sotqin ham, o'g'riboshi ham, *"Do'st uyiga olov qo'ygan muttaham ham"*, buzuq ko'ziga niqob tutganlar hajv tig'iga tortiladi, *"Eskirgan niqobin urib cho'ntakka, Zorro jim kuzatar, birov bilmaydi"*. "Myanma ichmoqda ummat qonini" deb boshlanuvchi "Alam" she'rining so'ngi to'rtligi g'azabnok va da'vatkor:

*...Bostirib bo'lmasa, Tangrim, zulmni,*
*Magar xo'rlik bo'lsa ko'pga kelgan to'y.*
*Yo'lbarsga aylantir har bir muslimni*
*Har bir muslimani bo'ri qilib qo'y.*

Zaminni poklash, uni qurtlardan, o'g'ri, kazzob, buzuqilikdan tozalash sofdil, halol, mard odamlar ishi, bunda ijod ahli zimmasiga ham katta mas'uliyat yuklanadi. "Navoiy haykali poyida", "Qalamning shoirga degani", "Bir shoirga", "Shoir ruhlar", "Devonaning o'ziga nasihati", "Haqiqat", "Egilmagan bosh", "Fotoreportaj", "Shamol va soyalar" va boshqa she'rlar bunga misoldir.

"Bir shoirga" she'rida *"Birorta bayti yo'q quvonchga doir"*, *"Asli g'ussaning to'ng'ich farzandi"*, goho bir oz maqtov bo'lsa, tanga topgan qulday og'zi yopilmas nazmboz(lar)dan noroziligini yashirmaydi:

*To'zg'in daftarlaring o'qirmi birov,*
*Zamon daftaridan o'chmasmi noming?*
*Bir kun zuryodlarga bo'lmagaymi g'ov,*
*Eslangan noming-u, kechikkan shoning?*

Bir she'rida *"Yengil shiorlarni urchitmoq uchun, Kallalar ko'p kerak bizga, kallalar"*, degan tagdor misralarni o'qiganimizda beixtiyor yodga maza-matrasiz, yuzaki satrlar bitadigan, aravani quruq olib qochadigan, voqeaning siridan ko'ra sirtidan gap uradigan qalamkashlar keladi.

Gulnoz Mo'minova sujetli she'rlar bitishni xush ko'radi. Hatto kichik nazm — uchliklarini ham kichik sujet asosiga qurishga intiladi:

*Ha, bu odam qarolmaydi tik,*
*Ko'zidagi qasos o'tini,*
*Ta'zim bilan yashiradi u.*

Yoki:

*Zarda bilan ismimni dildan*
*O'chirasan – ishlaring puxta.*
*Ne qilsang-da qolar bir nuqta.*

Shoira afsonalarni ham bugungi zamonga yaqinlashtirib, kerakli axloqiy xulosalar chiqaradi. Ovdan qaytgan uch odamxo'r o'ljasi zo'r bo'lganini, biri qari ayolni bo'zlatib hamyonini olib qochgan ucharni tutgani, ikkinchisi qo'shni devoridan shahvat-la nazar solgan mal'unni, uchinchisi ziyofatini yeb, sarposini kiyib, o'z uyida do'stini sotgan olchoqni g'ippa bo'g'ganini aytib maqtanadi:

*Kasallari yuqib qolsa-chi? Darrov*
*Toshni sur, ularni haydagin, jiyan.*
*Hozircha sirimiz bilmasin birov*
*Biz bugundan boshlab vegetarian.*

("G'ordagi suhbat").

Gulnoz milliy va jahon adabiyotini ko'p o'qiydigan, o'z ustida tinmay ishlaydigan, so'z mas'uliyatini chuqur his etadigan ijodkorlardan. To'g'ri, ba'zi she'rlari uslubi og'irroqday, hazm qilish qiyinroqday taassurot qoldiradi.

"Fasllar shiviri", "Sayyoh qushlar", "Chig'anoq" nomli to'plamlari nashr etilgan, mana endi "Kometa"si yarq etib ijodi osmonini yoritib yuborgan, jurnallar, to'plamlarda chiqib turgan bo'lsa ham, kamtarligi bois, yig'inlarda so'z aytgani, she'r o'qiganini, taqdimotlar o'tkazish harakatiga tushganini ko'rganimiz yo'q. Hali Yozuvchilar uyushmasi a'zosi ham emas. *"Davralarda aytilmas isming, Odamlar sen haqda ishoralar ila so'zlashar"* misralarini shoiraning o'ziga nisbatan ham qo'llash mumkin.

**Saydi UMIROV,**
**O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan yoshlar murabbiyi, adabiyotshunos**



Millatning qadri – millat sha'ni uchun kurashganlar mehnati bilan o'lchanadi. Tariximizda el-yurt uchun yonib yashagan, kurashgan millatdoshlarimiz ko'plab uchraydi. Bu qatorda jadidchilik harakati namoyandalarining nomlari alohida e'tirof etilishi ham bejiz emas. Milliy madaniyatimiz vakillaridan biri — ma'rifatparvar shoir, dramaturg, jurnalist va olim Abdulla Avloniy tavalludiga 12-iyulda 141 yil to'ladi.

12-iyul — Abdulla Avloniy tavallud topgan kun

# Mangu hayqiriq

Abdulla Avloniy poetik asarlari "Adabiyot yoxud milliy she'rlar", "Maktab gulistoni", "Mardikorlar ashulasi" kitoblari, "Sabzavor" tazkirasi hamda bir qancha darsliklari bilan xalq qalbidan joy oldi. Alloma yosh avlodni ilm-ma'rifatga chorlash, jaholat va nodonlikdan qaytarish, ozod va baxtiyor zamon uchun kurash haqida bong uradi. Avloniy ijodi bo'yicha izlanish olib borganlar adabiyot oldidagi muhim xizmatlaridan biri "mardikorlik she'riyati" deb atalgan yangi adabiy hodisaning yaratuvchilaridan bo'lganini alohida e'tirof etadi. 1916-yilgi voqealarni ifodalovchi she'rlarida shimolga, front ortidagi qora xizmatga olib ketilgan mardikorlarning xayrlashuv manzaralarini, haqsizlikni yoritgan.

Bugun jamiyatimizda keskin bahs-munozaralarga sabab bo'layotgan adabiy til masalasi, ayrim o'zbek farzandlarining ona tiliga hurmatsizligi haqida takror-takror gapiramiz. "Turkiy Guliston yoxud axloq" asarida olim bu mavzuga alohida to'xtalib o'tadi.

"Hifzi lison deb har bir millat o'z ona til va adabiyotini saqlamagani aytilur. Har bir millatning dunyoda borlig'in ko'rsatadurg'on oyinai hayoti til va adabiyotidur. Milliy tilni yo'qotmak millatning ruhini yo'qotmakdur", deb yozadi "Hifzi lison" maqolasida. Bu inkor etib bo'lmaydigan haqiqat. Avloniy dunyo tanigan shaxs sifatida yoshlarning til o'rganishlarini qo'llab-quvvatlaydi, biroq so'zlarni o'z o'rnida qo'llash kerakligini ta'kidlaydi: "Zig'ir yog'i solub moshkichiri kabi qilub, aralash-quralash qilmak tilning ruhini buzadur".

Ancha oldin yozilgan maqolani o'qib, bugungi holat tilga olingan deyish mumkin. Bir qarashda qayta-qayta bong urilaveribb, eski mavzuga aylangandek ko'rinar. Jamiyatimizdagi ahvol o'zgarmaguncha muammoni gapirishga majburmiz. Chunki ikki tilni aralashtirishni urfga kiritayotgan ba'zi tengqurlarimiz, hatto yoshi kattalar ham tilimiz oldidagi burchini unutmasligi lozim.

**Ro'ziqul OCHILOV**

Yoz — 2019

# Hali hammasi oldinda



Yoshlar ittifoqining Ellikqal'a tumani kengashi "Orol" bolalar dam olish oromgohida "Yozni "Kamalak bilan" loyihasini amalga oshirmoqda. Uning doirasida "Kamalak" bolalar tashkiloti sardorlari dam oluvchilarga konsert dasturini namoyish etdi.

— Oldinda bolajonlarni bir qancha festivallar, ijodiy uchrashuvlar, badiiy tadbirlar kutmoqda, — deydi tuman "Kamalak" bolalar tashkiloti raisi Alisher Xudoyberganov. — O'quvchilarning qiziqishini imkon qadar inobatga olishga harakat qilyapmiz.

**Malik SINDOROV**

Asliyatdan tarjima



**Munira Dhamani**
*(Hindiston)*

# Eng shirin olma

Qizcha qo'lida bir juft olma bilan turardi.

Onasi kelib muloyimlik bilan: "Asalim, olmalaringdan bittasini ber", deb so'radi. Qizaloq birpas onasiga tikilib turdi-da, avval olmalardan birini, so'ngra ikkinchisini tishladi. Ona qizalog'ining qilig'idan ranjisa ham sezdirmaslikka urinib, tabassum qildi.

Qizaloq o'ng qo'lidagi olmani uzatib: "Oyijon, mana oling, shunisi shirinroq ekan", dedi.

# Ko'mak



Ko'chaga o'ynagani chiqqan bolakay uyiga kech kirib keldi.

— Shu paytgacha qayerlarda yuribsan, xavotir olib o'tiribman, — tergadi onasi.

— Kechiring, oyijon, do'stimga yordam berdim, uning velosipedi buzilib qoldi, — dedi u mo'ltirab.

— Sen velosiped tuzatishni bilmasang, qanaqasiga yordam berding, axir?!

— To'g'ri, oyijon, lekin u yig'laganda yonida turib ovutdim, tashlab ketolmadim!

**Inglizchadan Ilhom ABDULLAYEV tarjimasi.**

O'qing, bu qiziq

1991-yilda Toshkent teleminorasi Jahonning buyuk minoralari federatsiyasiga kiritilgan va 9-o'rinda qayd etilgan.

1992-yilda O'zbekistonda uyali aloqa standarti qabul qilindi. Xuddi shu yili yurtimizda uyali aloqa vositasi yordamida ilk qo'ng'iroq amalga oshirilgan.

1992-yilda "O'zbektelekom" va "O'zbekiston pochtasi" konsernlari tashkil etilgan.

1992-yili O'zbekistonda "Aloqa to'g'risida"gi qonun qabul qilingan.

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR
Faxriddin KARIMOV

TAHRIR HAY'ATI
Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehrinoz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov,
Hamza Abdullayev – bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"),
Irina Kochergina – bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),
Javlon Vafoyev – mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"),
Yelena Kalinina – mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi
Ro'ziqul OCHILOV

Dizayner
Xurshid ABDULLAYEV

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (71) 150-22-74,
(71) 233-95-97.
(71) 233-79-69 (faks)

Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.
Indekslar: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.
Buyurtma G-713
Adadi — 19063
Bosishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 21.45